

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

19-сон  
(207)  
2006 й.  
май

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари түплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонуналари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

+

-

## МУНДАРИЖА

### *Биринчи бўлим*

160. «Истеъмол кредити тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 6 майдаги ЎРҚ-33-сон Қонуни

### *Иккинчи бўлим*

161. «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 майдаги ПФ-3751-сон Фармони

### *Учинчи бўлим*

162. «Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтилаётгандага кўздан кечириш мажбурий бўлган товарлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 4 майдаги 75-сон қарори

163. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки фаолиятини ташкил этиш ва

унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2006 йил 6 майдаги 78-сон қарори

164. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Автомотранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсга беришни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 7 марта 38-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2006 йил 12 майдаги 83-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

165. «Ўзбекистон Республикаси худудида банкларда электрон ахборотларни муҳофазалашни ташкил этиш тўғрисидаги ўйрикномага ўзгартириш киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг 2006 йил 20 апрелдаги 10/10-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 6 майда 1047-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

166. «Суғурталовчи томонидан суурта захираларини шакллантириш хамда жойлаштириш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2006 йил 8 февралдаги 11-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 6 майда 1571-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

167. «Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникиси қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекциясининг 2006 йил 5 апрелдаги 58-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 6 майда 1572-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

168. «Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари—юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш хақида» (янги таҳрирда) Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши 2006 йил 11 март 06-01-01-сон. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 6 майда 1573-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

169. «Ўз фаолиятини юридик шахсни ташкил этмасдан амалга оширувчи хусусий тадбиркорлар ва дехқон хўжаликларини тижорат банклари томонидан миллий ва хорижий валюталарда микрокредитлаш тартибига ўзгартиришлар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг 2006 йил 20 апрелдаги 10/3-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 6 майда 902-5-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

170. «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига, ўз фаолиятини юридик шахс ташкил этиб амалга ошираётган кичик бизнеснинг бошқа субъектларига

+

миллий ва хорижий валютада микрокредитлар бериш тартибига ўзгартиришлар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг 2006 йил 20 апрелдаги 10/4-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 6 майда 903-7-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2006 йил 6 майдан 12 майгача бўлган маълумот

+

-

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОНЕНИ

# 160 Истеъмол кредити тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2005 йил 22 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 24 феврал-  
да маъқулланган

### **1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади истеъмол кредити бериш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

### **2-модда. Истеъмол кредити тўғрисидаги қонун хужжатлари**

Истеъмол кредити тўғрисидаги қонун хужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун хужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг истеъмол кредити тўғрисидаги қонун хужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

### **3-модда. Истеъмол кредити тушунчаси ва шакллари**

Истеъмол кредити жисмоний шахсга (истеъмолчига) унинг истеъмол эҳтиёжларини қондириш мақсадида товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олиш учун бериладиган кредитдир.

Молиявий истеъмол кредити ва товар истеъмол кредити истеъмол кредитининг шаклларидир.

### **4-модда. Молиявий истеъмол кредити ва уни берувчи ташкилотлар**

Молиявий истеъмол кредити сотиб олинган товарлар (хизматлар) ҳақини тўлаш учун пул маблағлари тарзида истеъмолчига бериладиган кредитдир.

Банклар ёки бошқа кредит ташкилотлари молиявий истеъмол кредити берувчи ташкилотларидир.

### **5-модда. Товар истеъмол кредити ва уни берувчи ташкилотлар**

Товар истеъмол кредити сотиб олинган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш тарзида истеъмолчига бериладиган кредитдир.

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2006 йил 10 майда эълон қилинган.

Истеъмол товарларини (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқарувчи корхоналар ёки реализация қилувчи ташкилотлар товар истеъмол кредити берувчи ташкилотлардир.

#### **6-модда. Истеъмол кредити объекти**

Жисмоний шахснинг истеъмол эҳтиёжлари учун мўлжалланган товарлар (ишлар, хизматлар) истеъмол кредити объекти бўлиши мумкин.

Кўчмас мулк, шунингдек қонунга мувофиқ муомаладан чиқарилган ёки муомалада бўлиши чекланган бошқа мол-мулк истеъмол кредити объекти бўлиши мумкин эмас.

#### **7-модда. Истеъмол кредити бериш**

Истеъмол кредити истеъмол кредити бериш қоидаларига мувофиқ истеъмол кредити шартномаси (бундан бўён матнда шартнома деб юритилади) бўйича тўловлиник, муддатлилик ва таъминланганлик шартлари билан берилади.

Истеъмол кредити ўз фаолияти натижасида олинган даромадларга, пенсия ва бошқа даромадларга (бундан бўён матнда даромадлар деб юритилади) эга бўлган жисмоний шахсларга берилади.

Истеъмол кредити бериш қоидалари истеъмол кредити берувчи ташкилот томонидан ушбу Қонунга мувофиқ белгиланади.

Истеъмол кредити бериш қоидалари хамма танишиб чиқиши учун очик бўлиши ва улarda истеъмол кредити бериш шартлари, шунингдек кредит миқдори, уни бериш муддати, фоиз ставкаси, истеъмолчи тўлаши лозим бўлган тўловлар жадвали тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Товарларни (ишларни, хизматларни) кредитга сотиш сотув кунида амалда бўлган нархлар бўйича амалга оширилади. Реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) нархларининг кейинчалик ўзгариши шартнома тарафларининг мажбуриятларига таъсир этмайди.

#### **8-модда. Истеъмол кредити олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар**

Истеъмол кредити бериш қоидаларига мувофиқ истеъмолчи истеъмол кредити олиш учун кредит буюртмасини ва ўз даромадлари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бошқа ҳужжатларни истеъмол кредити берувчи ташкилотга тақдим этади.

Кредит буюртмасида куйидаги маълумотлар кўрсатилади:

истеъмолчининг фамилияси, исми, отасининг исми, паспорти (ёки паспорт ўрнини босувчи ҳужжати) серияси ва рақами ҳамда яшаш жойи;

истеъмол кредитининг объекти;

истеъмол кредитининг муддати;

истеъмолчининг фаолият тури ва даромадлари;

истеъмолчи томонидан шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усули.

Кредит буюртмаси буюртма берилган сана кўрсатилган ҳолда истеъмолчи томонидан имзоланади.

#### **9-модда. Кредит буюртмасини кўриб чиқиш тартиби**

Истеъмол кредити берувчи ташкилот кредит буюртмасини олганидан сўнг кредит бериш тўғрисида ёки кредит беришни асослантирилган ҳолда рад этиш хақида беш иш куни ичida қарор қабул қиласди.

Истеъмол кредити бериш асослантирилган ҳолда рад этилган тақдирда, истеъмол кредити берувчи ташкилот истеъмолчига бу ҳақда ёзма шаклда маълум қилиши шарт.

Кредит буюртмаси истеъмол кредити берувчи ташкилот томонидан кўриб чиқилаётганда қўйидагиларнинг таҳлили амалга оширилади:

истеъмолчининг даромадлари етарлилигини ва кредит тарихини аниқлаш;  
кредит буюртмасида баён этилган маълумотларнинг бир-бирига зид бўлмаслиги;

истеъмол кредити суммасини қайтаришнинг мақбул истиқболлари мавжудлиги.

#### **10-модда. Шартнома шартлари**

Шартномада қўйидагилар назарда тутилган бўлиши лозим:

истеъмолчининг фамилияси, исми, отасининг исми, паспорти (ёки паспорт ўрнини босувчи хужжати) серияси ва рақами ҳамда яшаш жойи;

истеъмол кредити берувчи ташкилотнинг номи ва бошқа реквизитлари;

истеъмол кредитининг объекти ҳақидаги маълумотлар;

истеъмол кредитининг умумий суммаси;

истеъмолчи томонидан шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усули;

фоиз ставкаси;

истеъмол кредити берувчи ташкилот талаб қилган тақдирда, сотиб олинган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) қийматини олдиндан тўлаш учун бўнак миқдори;

истеъмол кредити бериш ҳамда унинг суммасини қайтариш тартиби ва муддатлари;

тарафларнинг хукуқ ва мажбуриятлари;

шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда тарафларнинг жавобгарлиги;

шартноманинг амал қилиш муддати;

шартномани ўзгариши ва бекор қилиш тартиби;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа шартлар.

+

#### **11-модда. Шартноманинг шакли ва шартномани рўйхатдан ўтказиш**

Шартнома ёзма шаклда тузилади.

Шартнома қўйидаги ҳолларда нотариал тартибда тасдиқланади:

тарафлардан бирининг талаби бўйича;

истеъмол кредити объекти бўлган мол-мулк бўйича битимлар қонунга мувофиқ нотариал тартибда тасдиқланиши талаб этилган тақдирда.

Шартнома қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

#### **12-модда. Шартномани ўзгариши ва бекор қилиш**

Шартнома шартлари, агар қонун хужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгарилиши мумкин.

Тегишли даражада сифатли бўлмаган товар (иш, хизмат) сотиб олинган ва уни сифати тегишли даражада бўлган бошқа шунга ўхшаш товарга (ишга, хизматга) алмаштириш имконияти бўлмаган тақдирда, шартнома товар истеъмол кредити берган ташкилот шартномани бекор қилиш ҳақида ёзма равишда хабардор этилган кундан эътиборан бир ой ичida истеъмолчи томонидан бекор қилиниши мумкин. Шартно-

ма бекор қилинган тақдирда, товар истеъмол кредити берган ташкилот сотиб олинган товар (иш, хизмат) учун тўланган пул суммасини истеъмолчига қайтариб беради.

Истеъмолчи фойдаланилмаган молиявий истеъмол кредитидан воз кечиш хақида молиявий истеъмол кредити берган ташкилотни шартнома тузилган кундан эътиборан иккя ичидаги ёзма равишда хабардор этиш орқали мазкур кредитдан воз кечишга ҳақли.

Истеъмолчи шартнома тузилган кундан эътиборан бир ой ичидаги истеъмол кредитидан фойдаланмаган тақдирда, истеъмол кредити берган ташкилот шартномани бекор қилиш хақида истеъмолчини ёзма равишда хабардор этиш орқали шартномани бир томонлама тартибда бекор қилишга ҳақли.

Ёзма хабар топширилган ёки почта орқали жўнатилган сана мазкур ёзма хабар юборилган сана ҳисобланади.

### **13-модда. Истеъмолчининг ҳукуқ ва мажбуриятлари**

Истеъмолчи қўйидаги ҳукуқларга эга:

истеъмол кредити бериш қоидалари билан танишиб чиқиш;

ўз ҳукуқ ва мажбуриятлари тўғрисида, шу жумладан истеъмол кредити бериш билан боғлик барча харажатлар хақида ишончли ҳамда тўлиқ ахборот олиш;

шартнома шартларининг шартномада белгиланган тартибда ва муддатларда бажарилишини талаб қилиш;

тегишли даражада сифатли бўлмаган сотиб олинган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) алмаштирилишини талаб қилиш ёки уни сифати тегишли даражада бўлган бошқа шунга ўхшаш товарга (ишга, хизматга) алмаштириш имконияти бўлмаганида шартномани бекор қилиш;

истеъмол кредити берувчи ташкилотдан шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарларнинг ўрнини қоплашни талаб қилиш.

Истеъмолчи:

истеъмол кредити олиш учун зарур ҳужжатларни тақдим эташи;

банк ёки бошқа кредит ташкилотидан олинган молиявий истеъмол кредитидан шартномага мувофиқ белгиланган мақсадда фойдаланиши;

товар (иш, хизмат) ҳақини шартномага мувофиқ ўз вақтида тўлаши;

олинган молиявий истеъмол кредитини қайтаришни ва мазкур кредит бўйича ҳисобланган фоизларни тўлашни шартномада белгиланган тартибда ҳамда муддатларда амалга ошириши шарт.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига ҳамда шартномага мувофиқ бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

### **14-модда. Истеъмол кредити берувчи ташкилотнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари**

Истеъмол кредити берувчи ташкилот қўйидаги ҳукуқларга эга:

истеъмолчига истеъмол кредити бериш ёки истеъмол кредити беришни асослантирилган ҳолда рад этиш;

истеъмол кредити бериш ва шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатларни истеъмолчидан сўраб олиш;

тўлов ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, берилган истеъмол кредити суммаси муддатидан илгари қайтариб берилишини ва мазкур кредит бўйича ҳисобланган фоизлар тўланишини талаб қилиш.

Истеъмол кредити берувчи ташкилот:

истеъмолчининг хукуқ ва мажбуриятлари тўғрисида, шу жумладан истеъмол кредити бериш билан боғлиқ барча харажатлар ҳақида истеъмолчига ишончли ҳамда тўлик ахборотни маълум қилиши;

молиявий истеъмол кредитини ёки товарни (ишни, хизматни) шартномада бел-гиланган тартибда ва муддатда бериши;

истеъмол кредити бериш қоидаларини ҳамма танишиб чиқиши учун кулай бўлган жойга жойлаштириши;

товар истеъмол кредити берилганда, товарни (ишни, хизматни) сифати тегишли даражада бўлган бошқа шунга ўхшаш товарга (ишга, хизматга) алмаштириши, бунда нархларда фарқ бўлган тақдирда, истеъмолчи билан зарур хисоб-китобни амалга ошириши;

шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки тегишли даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган заарларнинг ўрнини истеъмолчига қоплаши шарт.

Истеъмол кредити берувчи ташкилот қонун хужжатларига ҳамда шартномага мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

### **15-модда. Молиявий истеъмол кредитининг хусусиятлари**

Молиявий истеъмол кредитидан фойдаланилганда:

шартнома истеъмолчи томонидан товарни (хизматни) сотиб олишга доир шартнома кучга киргунинг қадар ёки кучга кирганидан кейин тузилиши мумкин;

истеъмолчи молиявий истеъмол кредити олиш тўғрисида истеъмол товарларини (хизматларни) ишлаб чиқарувчи корхонани ёки реализация қилувчи ташкилотни олдиндан ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Молиявий истеъмол кредити бериш Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган истеъмол товарларини (хизматларни) ишлаб чиқарувчи корхона ёки реализация қилувчи ташкилотнинг банқдаги ҳисобварафига банк ёхуд бошқа кредит ташкилоти томонидан пул маблағлари ўтказиш ўйли билан амалга оширилади.

Молиявий истеъмол кредитининг накд пулда берилишига йўл қўйилмайди.

### **16-модда. Истеъмол кредитини муддатидан илгари қайтариш**

Истеъмолчи олинган истеъмол кредити суммасини қайтаришни ва мазкур кредит бўйича хисобланган фоизларни тўлашни муддатидан илгари амалга оширишга ҳақли. Бундай ҳолда истеъмолчи фақат истеъмол кредитидан ҳақиқатда фойдаланилган муддат учун фоизлар тўлайди.

### **17-модда. Истеъмолчи томонидан шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш**

Истеъмолчи томонидан шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши:

банк ёки суурита ташкилотининг кафолати;

учинчи шахсларнинг кафиллиги;

мол-мулк ва қимматли қофозлар гарови, шу жумладан гаров депозити, банкларнинг омонат сертификатлари;

қонун хужжатларида ва шартномада назарда тутилган бошқа усууллар билан таъминланиши мумкин.

Истеъмолчининг даромадлари ҳажми, шунингдек шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишининг истеъмолчи томонидан тақдим этилган таъминоти истеъмол

кредити суммасини қайтариш ва мазкур кредит бўйича ҳисобланган фоизларни тўлаш учун етарли бўлиши керак.

Молия истеъмол кредити бериш шартномаси ва унинг қарз олувчи томонидан бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Кредит ахбороти миллий институтининг маълумотлар базасига кредит тарихини шакллантириш учун жойлаштирилади ва улардан қонун ҳужжатларида белгилangan тартибда фойдаланилади.

Истеъмолчи шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, кафолат берувчи ёки кафил истеъмол кредитини қайтариш муддати тугагач, истеъмол кредити берувчи ташкилотнинг биринчи талабига биноан қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ истеъмол кредити суммасини қайтариши ҳамда мазкур кредит бўйича ҳисобланган фоизларни тўлаши шарт.

**18-модда. Низоларни ҳал этиш**

Истеъмол кредити бериш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгилangan тартибда ҳал этилади.

**19-модда. Истеъмол кредити тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Истеъмол кредити тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгилangan тартибда жавобгар бўладилар.

**20-модда. Конун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

+

-

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиурсин, давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматав-хукуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**21-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 6 май,  
ЎРК-33-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### **161 Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тарақ- қиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисида**

Иқтисодиётнинг етакчи, энг аввало базавий тармоқларини модернизациялаш ва техникавий қайта куроллантириш лойиҳалари амалга оширилишини таъминлаш, мамлакатни муттасил, барқарор ва мутаносиб равишда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга эришиш, шунингдек самарали таркибий ва инвестициявий сиёсатни амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Марказий банкининг устав сармояси 1,0 млрд. АҚШ доллари микдорида бўлган Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини (кейинги ўринларда — Жамғарма деб юритилади) ташкил этиш туғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қўйидагилар белгилансин:

Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этилади ва юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлади;

— 1-иловага\* мувофиқ субъектлар Жамғарма муассислари ҳисобланадилар.

3. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Жамғарма тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, бунда Жамғарма қўйидагиларни амалга ошириши зарурлиги назарда тутилсин:

давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан тижорат банклари, хорижий жамғарма ва инвесторлар ҳамда бошқа манфаатдор тузилмаларнинг молиявий маблағларини жамлаш;

иктисодиётни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва модернизация қилиш борасида устувор вазифаларни амалга ошириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган фоят муҳим лойиҳаларни молиялаштириш;

стратегик муҳим аҳамиятга эга бўлган корхоналар, аввало иқтисодиётнинг базавий тармоқлари корхоналарини янгилаш ва техник жиҳатдан қайта куроллантириш дастурларини кредитлаш;

ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати, машинасозлик ва рангли металлургия тармоқларини техникавий қайта куроллантиришга ҳамда ишлаб чиқариш суръатлари ва ҳажмларини оширишга ўйналтирилган лойиҳалар молиялаштирилишини таъминлаш;

биринчи навбатда истиқболли, аммо етарлича ривожланмаган миңтақаларда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш бўйича ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли миллий давлат дастурлари ва лойиҳалари амалга оширилишини молиялаштириш;

республиканинг ҳалқаро коммуникациялар тармоғига интеграциялашуви учун шарт-шароитлар яратадиган, ҳалқаро транспорт ўйлаклари ва жаҳон бозорларига энг қисқа ўйл билан чиқишини таъминлайдиган транспорт ҳамда телекоммуникациялар инфратузилмасини модернизациялаш ва ривожлантиришни молиялаштириш;

\* 1-илова рус тилидаги матнда берилган.

+

халқаро молия институтлари, республика ва хорижий мамлакатларнинг кредит муассасалари билан лойиҳаларнинг қўшма молиялаштирилишини ташкил этишинга таъминлаш.

4. Белгилансинки, Ўзбекистон худудида ўзлари учун фоят муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш (қўшма молиялаштириш)дан манфаатдор бўлган халқаро ва хорижий жамғармалар ҳамда инвесторлар ҳукумат қарорларига биноан Жамғарма ҳаммуассислари сифатида қўшилиши, мазкур молия институтларининг вакиллари Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш таркибига киритилиши мумкин.

5. Қуйидагилар Жамғармани шакллантиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

стратегик ресурсларга жаҳон нархларининг қулай конъюнктураси натижасида, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлардан олинадиган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан навбатдаги йилга Давлат бюджетини тасдиқлаш чоғида белгиланадиган айрим солик ва тўлов турлари бўйича ҳосил бўладиган қўшимча тушумлар;

Ҳукуматнинг хорижий валютадаги активларининг бир қисми;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий шериклар билан маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимлари доирасида маҳсулотни сотишдан оладиган даромадлари;

давлат мулкини хорижий инвесторларга чет эл валютасига сотишда Давлат бюджети даромадлари режасидан ортиқча тушадиган маблағлар;

Жамғарма активларини бошқаришдан олинадиган инвестиция даромадлари;

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа тушум ва даромадлар.

+

-

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси 2006—2009 йиллар мобайнида Жамғарманинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги хисобварафида Жамғарма активларини 1,0 млрд. АҚШ доллари миқдорида шакллантиришни таъминласин.

7. Белгилансинки, Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш Жамғарманинг юқори бошқарув органи хисобланади.

Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш таркиби 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

Қуйидагилар Жамғармани бошқариш бўйича Кенгашнинг асосий вазифалари ва функциялари этиб белгилансин:

Жамғарма фаолиятининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш;

Жамғармага маблағлар келиб тушиши ва улардан фойдаланиш прогнозларини кўриб чиқиш ҳамда уларни навбатдаги йилга мўлжалланган макроиктисодий ва пул-кредит кўрсаткичлари, Давлат бюджети ҳамда Давлат инвестиция дастурининг асосий параметрлари билан боғлик ҳолда белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритиш;

қарз олган корхоналарни қайта молиялаштириш (қўшма молиялаштириш) учун тижорат банкларига Жамғарма маблағларини бериш муддатлари ва шартлари бўйича қарорлар қабул қилиш, халқаро сармоя бозорларида амал қилаётган фоиз ставкаларидан келиб чиқиб Жамғарма томонидан берилаётган маблағлар бўйича фоиз ставкаларининг аниқ миқдорларини тасдиқлаш;

Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, тижорат банкларига молиялаштиришни тўлиқ ва ўз вақтида очиш ҳамда тижорат банкларига берилган маблағларнинг қайтарилишини таъминлаш устидан назоратни амалга ошириш;

---

\* 2-илова берилмайди.

Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши тўғрисида Жамғарма ижроия дирекциясининг ҳамда қарз олган корхоналар томонидан Жамғарма маблағларининг са-марали фойдаланилишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида ман-фаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар раҳбарларининг хисоботларини мунтазам равишда тинглаб туриш.

8. Жамғарма солиқлар, йиғимлар, божларнинг барча турларидан ҳамда давлат-нинг мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларидан озод қилинсин, ягона ижтимоий тўлов бундан мустасно.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки ва Иқтисоди-ёт вазирлиги бир ҳафта муддатда белгиланган тартибида Жамғарма фаолиятини таш-кил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги карор лойихасини тасдиқлаш учун кирит-син.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идо-ралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун хужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 11 май,  
ПФ-3751-сон

—

+

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

### **162 Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтилаётганда кўздан кечириш мажбурий бўлган товарлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси фаолиятини ташкил этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 9 мартағи ПҚ-302-сон қарори 12-бандини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтилаётганда кўздан кечириш мажбурий бўлган товарлар рўйхати иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси:  
республиканинг божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган ва кўрсатиб ўтилган Рўйхатга киритилган товарларнинг пухта кўздан кечирилишини таъминласин;  
товарлар республиканинг божхона чегараси орқали олиб ўтилаётганда уларни божхонада кўздан кечириши амалга оширишнинг самарадорлиги юзасидан доимий мониторинг ўрнатсин.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган холда кўрсатиб ўтилган Рўйхатга экспорт-импорт операциялари тенденцияларига кўра ўзгартиришлар киритиш хукуқи берилсин.
4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 4 май,  
75-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ  
ҚАРОРИ

## **163 «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки фаолиятини ташкил этиш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 5 майдаги ПФ-3750-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда унинг самарали фаолиятини ташкил этишини таъминлаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласи:

1. Қўйидагилар:

«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки Бошқарув кенгашининг таркиби 1-иловага\* мувофиқ;

Микрокредитлар бериш ва микролизинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги Вақтингчалик низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Қўйидагилар «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки Бошқарув кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

банкнинг тадбиркорлик субъектларига микрокредит бериш ва микролизинг бўйича кўрсатиладиган хизматлар сифатини ва қулайлигини оширишга йўналтирилган узок муддатли сиёсатини шакллантириш;

— +  
банк фаолиятини, шу жумладан кредит бериш ва маблағларни инвестициялашнинг омонатчиilar ва акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайдиган тизими жорий этилишини ва унинг самарали фаолият кўрсатишини назорат қилиш;

бонкда корпоратив бошқарувнинг ахволини ва унинг Бошқаруви фаолиятини назорат қилиш;

банкка юклangan вазифаларни ва мажбуриятларни ўз вақтида бажариш учун унинг етарли даражада капиталлаштирилишини ва ликвидлигини таъминлаш;

самарали фаолият кўрсатадиган, айниқса қишлоқ жойларда, филиаллар ва миhibanklar тармогини шакллантириш.

3. «Микрокредитбанк» марказий аппарат тузилмасида Микрокредитлар қайталишини ва улардан самарали фойдаланилишини назорат қилиш бўйича маҳсус мониторинг гурухи ташкил қилсин.

Кўйидагилар Мониторинг гурухининг асосий вазифалари этиб белгилансин:  
микрокредит маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини мунтазам равища пухта таҳлил қилиш;

минтақавий бўлимларда микромолиялаштириш ишларини мувофиқлаштириш, бизнес-режа параметрларига мувофиқ кредит портфелининг ҳолати ҳамда микрокредитлар бўйича таъминланишнинг ҳолати мониторингини олиб бориш ва уларни холисона баҳолаш;

микрокредитларнинг қайтарилувчанлик даражасини ошириш, улар бўйича тўлов муддати ўтган карздорликка йўл қўймаслик юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш.

4. «Микрокредитбанк»нинг Бошқарув кенгаши ва Бошқаруви:  
қонун хужжатларида белгилangan тартибда рўйхатдан ўtkазish ва bank фаолиятини амалга ошириш хуқуқига лицензия олиш учун зарур хужжатлар пакетини бир

\* 1-илова берилмайди.

ҳафта муддатда тайёрласинлар ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тақдим этсинлар;

банкка юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши заруриятидан келиб чиқкан холда, ўн кун муддатда банк ва унинг филиаллари тузилмасини ҳамда штатлар жадвалини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар;

икки ой муддатда банк ходимларини тўлиқ аттестациядан ўтказсинлар;

банкнинг марказий аппаратини ҳамда унинг филиалларини банк бўлимларида ва микромолиялаш соҳасида иш тажрибасига эга бўлган юқори малакали мутахассислар билан таъминласинлар.

5. Белгилаб қўйилсинки, «Микрокредитбанк» бошқаруви раиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 17 апрелдаги 165-ф-сон фармойиши билан тузилган маҳсус комиссия томонидан «Тадбиркор» акциядорлик-тижорат банки молмулки комплекс хатловдан ўтказилганлиги, унинг филиаллари ва мини-банклари нинг асбоб-анжомлар, ҳисоблаш техникаси ва алоқа воситалари билан таъминланishi ўрганилганлиги, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича таклифлар тайёрланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари уч ой муддатда «Микрокредитбанк»нинг, айниқса қишлоқ жойлардаги филиаллари ва мини-банкларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга оширсинлар.

7. Ўзбекистон Банклар уюшмаси ва Банк-молия академияси 2006—2008 йиллар мобайнида ўқитиш учун тўлов ундирамасдан «Микрокредитбанк» мутахассислари учун микромолиялаштириш хизматлари бўйича маҳсус курслар ташкил этилишини таъминласинлар.

8. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Банклар уюшмаси, «Микрокредитбанк», Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлеклари, биринчи навбатда қишлоқ жойларда микрокредитлар бериш ва микролизинг хизматлари кўрсатиш тартиби, тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан касаначилик билан шуғулланувчилар, шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжалигида банд бўлганлар томонидан микрокредитлар олиш учун бизнес-режалар тайёрлаш бўйича доимий асосда семинарлар ва ўқув курслари ўтказилишини таъминласинлар.

9. «Микрокредитбанк» Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Матбуот ва ахборот агентлиги, Марказий банк, Монополиядан чиқариш, ракобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон Банклар уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда 2006-2007 йилларда оммавий ахборот воситаларида банк фаолиятини ва унинг кўрсатадиган хизматларини кенг ёритишга доир комплекс тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар, уларда республика оммавий ахборот воситаларида реклама материалларининг тўлов ундирамасдан эълон қилинишини назарда тутсинглар.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Адлия вазирлиги манбаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республика-

си Баш вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

### **Ўзбекистон Республикасининг Баш вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 6 май,  
78-сон

Вазирлар Махкамасининг  
2006 йил 6 майдаги 78-сон қарорига  
2-ИЛОВА

### **Микрокредитлар бериш ва микролизинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисида Вақтингчалик низом**

1. Ушбу Низом Фуқаролик кодексига, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Конунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майдаги ПФ-3750-сон Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки (кейинги ўринларда банк деб аталади) томонидан кичик тадбиркорлик субъектларига, дехқон ва фермер хўжаликларига (кейинги ўринларда тадбиркорлик субъектлари деб аталади) микрокредитлар бериш ва микролизинг хизматлари кўрсатиш тартибини белгилайди.

+

#### **I. Умумий қоидалар**

2. Тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар бериш ва микролизинг хизматлари кўрсатиш хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, якка тартиbdаги меҳнат фаолиятини, оиласвий бизнесни ва касаначиликни ривожлантириш йўли билан янги иш ўринлари яратиш, ахоли кенг қатламларининг, шу жумладан қишлоқ жойларда, молиявий ресурслардан фойдалана олишини таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

Фойдаланиш йўналишларига кўра микрокредитлар:

бошлангич (старт) сармоясини шакллантириш учун;

бизнесни ривожлантиришга (кенгайтиришга) ва айланма маблағларни тўлдиришга берилади.

3. Бошлангич (старт) сармоясини шакллантириш учун микрокредит йилига 5 фоиз ставка бўйича 18 ой муддатгача:

энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваригача миқдорда — юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик субъектлари учун;

энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваригача миқдорда — микрофирмалар ва дехқон хўжаликлари учун (юридик шахс мақомига эга бўлган);

энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваригача миқдорда — фермер хўжаликлири учун берилади.

Янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектларига микрокредит бошлангич (старт) сармоясини шакллантириш учун улар кредит олиш учун давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлиб 6 ой мобайнода буюрта тақдим этилганда берилади.

4. Микрокредитлар бизнесни ривожлантириш (кенгайтириш) ва айланма маблағларни тўлдириш учун кичик тадбиркорлик субъектларига (микрофирмалар, ки-

чик корхоналар, дехкон ва фермер хўжаликларига) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан юкори бўлмаган фоиз ставкаси бўйича, 24 ой муддатгача, энг кам ойлик иш хақининг 500 бараваригача миқдорда берилади.

5. Имтиёзли микролизинг бўйича хизматлар кичик бизнес субъектларига З йилгача муддатгача, Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизидан юкори бўлмаган ставка бўйича, энг кам ойлик иш хақининг 2000 бараваригача миқдорда кўрсатилади.

6. Микрокредитлар ва микролизинг:

илгари олинган кредитларни ёки бошқа ҳар қандай қарзларни тўлашга; тамакичиликни ва алкогольни ичимликларни ишлаб чиқаришни ташкил этишга; лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этишга берилмайди.

7. Микрокредитлар олиш учун ушбу Вақтинчалик низомда назарда тутилган шартлар ва талаблар микролизинг хизматлари кўрсатишга ҳам татбиқ этилади. Микролизинг хизматлари кўрсатиш хусусиятлари қонун хужжатлари билан тартибга солинади.

## **II. Микрокредитларни расмийлаштириш тартиби**

8. «Микрокредитбанк»ка мурожаат қилган тадбиркорлар кредит олгунгача «Микрокредитбанк» томонидан бепул ташкил этиладиган семинарларга юборилади. Бериладиган микрокредитлар ва кўрсатиладиган лизинг хизматлари турлари ва механизмлари, шунингдек бизнес-режа тузиш бўйича иккита базавий семинарда қатнашиш мажбурий ҳисобланади.

9. Қарз олувчилар микрокредит олиш учун банкка қўйидаги хужжатларни тақдим этиадилар:

микрокредит олиш учун буюртманома;  
бизнес-режа, пул оқимлари прогнозини албатта кўрсатган ҳолда;  
микрокредитнинг қайтарилиши таъминланиши билан боғлиқ хужжатлар, шу жумладан қонун хужжатларида белгиланган тартибда тўлдирилган бухгалтерия ва молиявий ҳисботлар маълумотлари.

10. Тақдим этиладиган бизнес-режа микрокредит олиш учун буюртманома берилган санадан кўпи билан 60 кун олдин тузилган бўлиши керак.

11. Кредит берувчи банк ходими кредит хужжатларини олгач ва уларнинг тўлиқлигини текширгач буюртманомани маҳсус дафтарда рўйхатдан ўтказади, дафтарга тартиб раками қўйилади, ип ўтказиб тикилади, банк муассасасининг раҳбари ва бош бухгалтери имзолари ҳамда думалоқ муҳр билан тасдиқланади.

Дафтарда буюртманома берган мижознинг номи, буюртманома берилган сана, сўралаётган микрокредит миқдори, микрокредит олишнинг мақсади, уни таъминлаш тури кўрсатилиши керак.

12. Буюртманома рўйхатдан ўтказилгандан кейин кредит берувчи банк ходими кейинги кундан кечикмай хужжатлар пакетини кўриб чиқиш учун банк муассасасининг кредит қўмитасига беради.

Кредит қўмитаси, шу жумладан жойига борган ҳолда, қарз олувчининг кредит буюртманомасини ва тўловга қодирлигини, шунингдек микрокредит мақсадларининг фаолият характеристига мувофиқлигини ўрганади. Кредит пакетини таҳлил қилиш шунингдек қарз олувчининг кредит тарихини ва унинг раҳбари обрўсини баҳолашга асосланади.

13. Кредит тарихини баҳолаш банк томонидан Марказий банкнинг Кредит

ахбороти миллий институтидаги қарз олувчи тўғрисидаги мавжуд маълумотлар асосида амалга оширилади.

14. Кредит қўмитаси буюртманомани кўриб чиққандан кейин тегишли қарор чиқаради, қарор кредит қўмитаси раҳбари томонидан тасдиқланади. Микрокредит бериш тўғрисидаги ижобий қарор кредит қўмитаси аъзоларининг камидан учдан икки кисми томонидан маъқулланиши керак. Кредит қўмитасининг ижобий қарори асосида қарз олувчи билан кредит шартномаси тузилади.

Айни бир вақтда кредит тўғрисидаги маълумотлар банкнинг берилган кредитлар тўғрисидаги ўз маълумотлар базасига ва Кредит ахбороти миллий институтига тушади.

15. Кредит қўмитаси томонидан салбий қарор кабул қилинган тақдирда қарз олувчи бу ҳақда рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма равишда хабардор қилинади.

Тадбиркорлик субъекти кредит қўмитаси қарори юзасидан судга белгиланган тартибда шикоят билдиришга ҳақлидир.

16. Микрокредит бериш тўғрисидаги қарор кредит қўмитаси томонидан банкка зарур ҳужжатлар илова қилинган ҳолда кредит буюртманомаси тушган кундан бошлаб 10 иш куни мобайнида қабул қилинади.

17. Тадбиркорлик субъекти томонидан зарур даражада расмийлаштирилмаган ҳужжатлар тақдим этилганда ёхуд ҳужжатларда ишончсиз ёки нотўри маълумотлар мавжуд бўлганда банк кўрсатилган муддат мобайнида ҳужжатларни аник мулоҳазалар рўйхатини ёзма шаклда баён қилган ҳолда пухта ишлаш учун қайтаришга ҳақлидир.

### III. Микрокредитни таъминлаш

18. Микрокредитлар таъминланиш, шунингдек ишонч асосида берилади.

19. Мулк гарови микрокредитни таъминлашнинг асосий шакли бўлиб хизмат қиласи. Ҳар қандай мулк, шу жумладан буюмлар ва «Гаров тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ мулкий хуқуқлар (талаблар) гаров предмети бўлиши мумкин.

Қарз олувчининг ўзи, шунингдек учинчи шахс ҳам гаров қўювчи бўлиши мумкин.

20. Кўчмас мулк гарови тўғрисидаги шартнома «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли туман (шаҳар) хўжалик ҳисобидаги кадастр ва кўчмас мулк хизматида рўйхатдан ўтказилган бўлиши керак.

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли туман (шаҳар) хўжалик ҳисобидаги кадастр ва кўчмас мулк хизматлари мансабдор шахслари кўчмас мулк гаровидан бўш бўлмаган битишувларнинг рўйхатдан ўтказилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар, гаров тўғрисидаги олдинги шартномаларда тақиқланмаган кейинги гаровни назарда тутувчи гаров тўғрисидаги шартнома рўйхатдан ўтказиладиган ҳоллар бундан мустасно.

21. Бериладиган микрокредит суммаси гаровга қўйилган мол-мулк қийматининг 80 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Гаров буюмлари — транспорт воситалири ва кўчмас мулк объектлари — йўқотиш ва зиён етказилиши ҳодисаларидан қарз олувчи ҳисобига сугурта қилиниши керак.

22. Юқори ликвидликка эга бўлган қимматли қофозлар ҳам гаров буюми бўлиши мумкин. Гаровга қўйилган қимматли қофозлар тегишли шартнома билан расмийлаштирилади ва қарз тўлиқ қайтаришганга қадар сақлаш учун банкка ўтказилиши керак.

23. Микрокредитни таъминлаш учун ликвидли товарлар, хорижий валюта ва гаров шаклида расмийлаштириладиган валюта бойликларининг бошқа турлари қабул қилиниши мумкин.

24. Банк фойдасига расмийлаштирилган учинчи шахсларнинг кафиллигидан қўшилган фоизлар ҳисобга олинган ҳолда қарз суммаси микдорида микрокредитни таъминлаш сифатида фойдаланилиши мумкин. Фақат бенуқсон тўлов қобилиятли субъект обрўсига эга бўлган юридик шахслар кафолат берувчи бўлиши мумкин.

Кафиллик кафолат берувчининг молиявий ҳолати таҳлили асосида банк томонидан қабул қилиниши керак. Бюджет ташкилотлари кафолат берувчи бўлиши мумкин эмас.

Кафиллик шартномасига қўйидагилар илова қилиниши керак:

кафолат берувчининг банк ҳисоб рақами ҳолати тўғрисидаги маълумотнома;

кафолат берувчининг бошқа банклардаги барча ҳисоб рақамлари тўғрисида улардаги қолдик кўрсатилган маълумотнома;

кафолат берувчининг хизмат кўрсатувчи банкдан ссуда қарзи ва бошқа қарздорлиги йўқлиги тўғрисидаги маълумотнома.

Қарз олувчи ссуда қарздорлиги бўйича ўз мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган тақдирда банк маблағларни кафолат берувчининг талаб қилиб олинадиган асосий депозит ҳисоб рақамидан акцептсиз тартибда ундириб олишга ҳақлидир.

25. Микрокредитлар фақат қониқарли кредит тарихига эга бўлган ва олдин олинган учта кредитни ўз вақтида тўлаган қарз олувчиларга ишонч асосида берилиши мумкин.

Кредит ишонч асосида берилганда бўлажак тўловлар бўйича таъминлаш сифатида қарз олувчилар томонидан кредит қийматининг 20 фоизигача микдордаги суммада мажбурий жамғариладиган депозит жойлаштирилади, унга банк томонидан фоиз тўловлари қўшилади.

#### **IV. Микрокредитни бериш ва қайтариш тартиби**

26. Микрокредитлар накд пулда ёки накд пулсиз шаклда берилishi мумкин.

27. Микрокредитлар товар-моддий бойликлар, хизматлар ва ишлар учун тўлов топшириқномаларини накд пулсиз шаклда тўлаган ҳолда алоҳида ссуда ҳисоб рақами очиш ёки банк кассаси орқали харажат далолатномаси бўйича накд маблағ бериш йўли билан берилади.

Ссуда ҳисоб рақами, агар кредит шартномасида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, кредит шартномаси тузилган кундан бошлаб 2 иш куни мобайнода очилади.

28. Банк кредит суммасидан ва фоиз ставкасидан келиб чиқиб асосий қарз ва фоизларнинг бўлажак тўловлари суммасини кредитнинг бутун муддатига тенг тўловларда ҳисоблаб чиқади.

#### **V. Микрокредитнинг ҳолати мониторинги ва ундан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш**

29. Кредит шартномаси шартлари бажарилишини таъминлаш, олинган микрокредитдан қарз олувчи самарали фойдаланиши, микрокредитдан фойдаланишнинг бутун муддати давомида унинг ўз вақтида ва тўлиқ қайtарилиши мақсадида банкнинг масъул ходими томонидан мониторинг олиб борилади.

30. Банкнинг масъул ходими бизнес-режа параметрларига ҳамда гаровнинг

ҳолатига мувофиқ микрокредитдан самарали ва мақсадли фойдаланилишини бир ойда камида бир марта текширади.

31. Мониторинг давомида масъул ходим қарз олувчи билан узлуксиз алоқа ўрнатади, жойнинг ўзида унинг режалари ва ниятларини ўрганади, шунингдек қарз олувчининг фаолиятидаги салбий тенденцияларни илк босқичида аниқлайди.

Олиб бориладиган мониторинг натижалари қарз олувчининг маҳсус шахсий ҳужжатлар тўпламида тизимлаштирилади.

32. «Микрокредитбанк»нинг минтақавий филиаллари берилган микрокредитлар, таъминлаш турлари, пул маблағлари ҳаракати жадваллари тўғрисидаги маълумотларни мунтазам равишда умумлаштирадилар ва «Микрокредитбанк»нинг микрокредитлари қайтарилиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш гурухига (кейинги ўринларда матнда Мониторинг гурухи деб юритилади) ҳар ойда тақдим этади.

Мониторинг гурухи олинган маълумотлар асосида филиаллар ва минибанклар, шунингдек бериладиган микрокредитлар турлари бўйича кредит портфелининг ҳолатини пухта таҳлил қиласди, қарздорлик динамикасини ва микрокредит маблағларидан самарали фойдаланилишини ўрганади.

Зарурият бўлганда Мониторинг гурухи бизнес-режа параметрларига мувофиқ жойига бориб филиалларнинг кредит портфели, микрокредитлар бўйича тақдим этилган таъминлашнинг ҳолати холисона баҳоланишини ташкил этади, шунингдек берилган кредитлар бўйича қайтаришнинг амалдаги ва прогноз даражасини баҳолайди.

33. Ўтказилган мониторинг ва ўрганишлар натижалари бўйича Мониторинг гурухи банкнинг кредит кўмитасига филиаллар ва минибанклар бўйича кредит бериш лимитларини белгилаш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, кредит портфели таркибини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади.

Мониторинг гурухи банк Бошқарувига микрокредитларнинг қайтарилиши даражасини ошириш, улар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорликка йўл кўймаслик, шунингдек мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги юзасидан аниқ чоратадбирлар тўғрисида мунтазам равишда таклифлар киритади.

34. Банк олдидаги ўз мажбуриятларини бажармаётган қарз олувчига нисбатан банк кредит шартномаси шартларидан келиб чиқсан ҳолда қўйидаги ҳуқуқларга эга бўллади:

агар қарз олувчи банкнинг тавсияларини келишилган муддатларда бажармаса, унга санкция қўллаш тўғрисидаги огоҳлантириш билан бирга даъво хати юбориш;

асосий сумма ва кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар ўз вақтида тўланмаган, шунингдек кредитни кредит шартномасида белгиланган муддатда қайтаришистиқболи мавжуд бўлмаган тақдирда кредит бўйича қарздорлик қолдигини муддатидан олдин, шу жумладан гаровга қўйилган мол-мулк ва бошқа мол-мулк ҳисобига ундириб олиш;

ҳисобга олиш ва бухгалтерия ҳисоби қоидлари қарз олувчи томонидан бузилиши ҳоллари аниқланган тақдирда кредит беришни тўхтатиб қўйиш ҳамда ҳисобга олиш ва ҳисбот бузилишининг сабаблари тўғрисида, уларни бартараф этиш чоратадбирларини банкка тақдим этган ҳолда, ундан тушунтириш талаб қилиш.

35. Олинган микрокредитлардан қарз олувчилар томонидан бошқа мақсадда фойдаланилганлиги аниқланган тақдирда банк микрокредитнинг бошқа мақсадда фойдаланилган қисмини кредит шартномасида белгиланган тартибда қарз олувчининг талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб ракамидан муддатидан олдин ундириб олиш ва кредит шартномасида белгиланган миқдорда жарима ундириш ҳуқуқига эгадир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ  
ҚАРОРИ

**164** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Автомотранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсга беришни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 7 мартағи 38-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Автомотранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсга беришни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 7 мартағи 38-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорлариға ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Куйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Автомотранспорт воситаларини харид қилиш — сотиши, алмаштириш ва ҳадя этиши битимларини расмийлаштириш тартиби тўғрисида» 1991 йил 16 сентябрдаги 233-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1991 й., 9-сон, 30-модда) 1 ва 4-бандлари;

Вазирлар Маҳкамасининг «Автомотранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсларга беришни тартибга солиш тўғрисида» 2001 йил 28 августдаги 354-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 8-сон, 51-модда) 1 ва 2-бандлари;

Вазирлар Маҳкамасининг «Автомотранспорт воситаларининг олди-сотди шартномаларини расмийлаштиришни тартибга солиш тўғрисида» 2003 йил 13 январдаги 12-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 1-сон, 4-модда) 1 ва 2-бандлари, шунингдек ушбу қарорга илова 1-бандининг «б» кичик банди, 3-бандининг «б» кичик банди ва 4-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 12 май,  
83-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2006 йил 12 майдаги 83-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 11-сон, 49-модда) билан тасдиқланган Давлат божи

*Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.*

ставкалари 4-бандининг «ш» кичик бандидан кейинги изоҳ қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Изоҳ: Нотариал идораларнинг биноларидан ташқари қилинган нотариал ишлар учун давлат божи икки баравар миқдорда ундирилади (озодликдан маҳрум қилиш ва ҳисбда сақлаш жойларида шахсларнинг ишончномаларини нотариал тасдиқлаш бундан мустасно), шунингдек ана шу ишларни бажариш учун жойларга бориш билан боғлиқ қилинган харажатлар хам тўланади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 26 майдаги 256-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида автомототранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг ҳисобини олиб бориш, миллий давлат рақами белгиларини бериш ва уларни алмаштириш қоидаларида:

а) Қоиданинг барча матнларидаги «Давлат автомобиль назорати», «ДАН», «ИИВ ДАНБ» ва «худудий ДАНБ» сўзлари тегишли равишида «Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати», «ДИХХ», «ИИВ ДИХХ» ва «худудий ЙХХБ» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) I бўлимнинг 5-банди қўйидаги таҳрирдаги хатбошилар билан тўлдирилсин: «Нотариуслар томонидан тасдиқланган автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга бериш шартномалари, шунингдек автомототранспорт воситаларини ихтисослаштирилган савдо корхоналари ва кимошди савдолари орқали сотиш шартномаси (баённомаси) бир вактнинг ўзида автомототранспорт воситасини рўйхатдан ўтказган ва ҳисобдан чиқарган ҳолда сотиб олувчининг яшаш жойидаги (турган жойидаги) ДИХХ органларида рўйхатдан ўтказилиши керак.

Нотариуслар томонидан тасдиқланган автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномалар, уларни бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномалари нотариал тартибда тасдиқланган вактдан бошлаб 10 кун мобайнода рўйхатга олиш (ҳисобга қўйиш) учун тақдим этилади. Ишончномаларни ва ижара шартномасини ҳисобга қўйиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда, тўлов ундирилмасдан амалга оширилади».

+

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНК БОШҚАРУВИННИГ  
ҚАРОРИ

### **165 Ўзбекистон Республикаси худудида банкларда электрон ахборотларни муҳофазалашни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартариш киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил  
6 майда 1047-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 16 майдан кучга киради)*

«Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг қабул қилиниши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси худудида банкларда электрон ахборотларни муҳофазалашни ташкил этиш тўғрисида»ги йўриқномага 3-сон ўзгартаришни кўриб чиқиб ва муҳокама қилиб, Бошқарув қарор қиласи:

- + 1. Марказий банк Бошқарувининг 2001 йил 23 июнданги 14/13-сонли қарори билан тасдиқланган 492-сонли «Ўзбекистон Республикаси худудида банкларда электрон ахборотларни муҳофазалашни ташкил этиш тўғрисида»ги йўриқномага (2001 йил 9 июль, рўйхат рақами 1047) 3-сон ўзгартариш иловага мувофиқ тасдиқлансин.
- 2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг 10 кундан кейин кучга кирилсин.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 20 апрель,  
10/10-сон

Марказий банк Бошқарувининг  
2006 йил 20 апрелдаги 10/10-сонли  
қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси худудида банкларда электрон ахборотларни муҳофазалашни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартариш**

1. Муқаддимаси кўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Электрон тўловлар тўғрисида»ги ҳамда «Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни

*Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.*

мухофаза қилиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ банклараро электрон тўлов тизими орқали ўтадиган ахборотларни муҳофазалашни таъминлаш тартибини белгилайди.»

2. 4-банд куйидаги таҳрирдаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ахборотдан ахборот мулкдорининг руҳсатисиз фойдаланишга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУФИ

## **166 Суғурталовчи томонидан суғурта захираларини шакллантириш ҳамда жойлаштириш тартиби ва шартлари тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил  
6 майда 1571-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 16 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 10-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами, 2002 йил, 10-сон, 69-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 июлдаги 286-сонли «Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш тўғрисида»ги қарорининг 3-бандига (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 1998 йил, 7-сон, 24-модда) асосан **буюраман**:

1. Суғурталовчилар томонидан суғурта захираларини шакллантириш ҳамда жойлаштириш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низом иловага\* биноан тасдиқлансин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

**Молия вазири Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 8 февраль,  
11-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАДА НАЗОРАТ БҮЙИЧА ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ  
«ЎЗДАВЭНЕРГОНАЗОРАТ»  
БУЙРУГИ

## **167    Иssiқликтан фойдаланувчи қурилмалар ва иssiқлик тармоқларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларини тасдиқлаш түғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 6 майда 1572-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 16 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 2004 йил 1 мартағи 96-сонли қарори билан тасдиқланган «Электр энергетикада назорат бўйича (Ўздавэнергоназорат) давлат инспекцияси түғрисидаги низомга асосан **буюраман**:

1. Илова\* қилинаётган «Иssiқликтан фойдаланувчи ускуналар ва иssiқлик тармоқларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари» тасдиқлансин.
2. Мазқур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.
3. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда колдираман.

+

-

**Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси  
«Ўздавэнергоназорат» бошлиғи Б. ФУЛОМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 5 апрель,  
58-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИНИ  
МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

**168 Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган,  
тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар фао-  
лиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғриси-  
да низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил  
6 майда 1573-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 16 майдан кучга киради)*

**(Кўчирма)**

9. «Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида»ги янги таҳрирда ишлаб чиқилган Низом З-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш учун Адлия вазирлигига юборилсин.

**Бош вазир Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 11 март,  
06-01-01-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНК БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**169 Ўз фаолиятини юридик шахсни ташкил этмасдан амалга оширувчи хусусий тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларини тижорат банклари томонидан миллий ва хорижий валюталарда микрокредитлаш тартибига ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 6 майда 902-5-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 16 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви қарор қиласди:

1. «Ўз фаолиятини юридик шахсни ташкил этмасдан амалга оширувчи хусусий тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларини тижорат банклари томонидан миллий ва хорижий валюталарда микрокредитлаш тартиби»га (2000 йил 29 февраль, рўйхат рақами 902 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2000 йил 4-сон) иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга кирилсин.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 20 апрель,  
10/3-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНК БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**170** Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликлари-  
га, ўз фаолиятини юридик шахс ташкил этиб амал-  
га ошираётган кичик бизнеснинг бошқа субъектларига мил-  
лий ва хорижий валютада микрокредитлар бериш тартибига  
ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил  
6 майда 903-7-сон билан давлат рўйхатидан ўtkазилди*

*(2006 йил 16 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий бан-  
ки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ  
Марказий банк Бошқаруви **қарор қиласи**:

1. «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига, ўз фаолиятини юри-  
дик шахс ташкил этиб амалга ошираётган кичик бизнеснинг бошқа субъектларига мил-  
лий ва хорижий валютада микрокредитлар бериш тартиби»га (2000 йил 29 фев-  
раль, рўйхат раками 903 — Меъёрий хужжатлар ахборотномаси, 2000 йил 4-сон)  
иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсан.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхати-  
дан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга кирилсан.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 20 апрель,  
10/4-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

**Ўзбекистон Республикаси  
 Адлия вазирлиги маълум қилади:  
 вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг  
 умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат  
 рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида  
 2006 йил 6 майдан 12 майгача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Ўзбекистон Республикаси худудида банкларда электрон ахборотларни муҳофазалашни ташкил этиш тўғрисидаги ўзгартериш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг 2006 йил 20 апрелдаги 10/10-сон қарори.

**2006 йил 6 майда 1047-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 16 майдан кучга киради).**

2. «Суфурталовчи томонидан суфурта захираларини шакллантириш ҳамда жойлаштириш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2006 йил 8 февралдаги 11-сон қарори.

**2006 йил 6 майда 1571-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 16 майдан кучга киради).**

3. «Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникиси қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекциясининг 2006 йил 5 апрелдаги 58-сон буйруғи.

**2006 йил 6 майда 1572-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 16 майдан кучга киради).**

4. «Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари—юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» (янги таҳрирда) Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаси 2006 йил 11 марта 06-01-01-сон.

**2006 йил 6 майда 1573-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 16 майдан кучга киради).**

5. «Ўз фаолиятини юридик шахсни ташкил этмасдан амалга оширувчи хусусий тадбиркорлар ва дехкон хўжаликларини тижорат банклари томонидан миллий ва хорижий валюталарда микрокредитлаш тартибига ўзгартеришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг 2006 йил 20 апрелдаги 10/3-сон қарори.

**2006 йил 6 майда 902-5-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 16 майдан кучга киради).**

6. «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига, ўз фаолиятини юридик шахс ташкил этиб амалга ошираётган кичик бизнеснинг бошқа субъектларига миллий ва хорижий валютада микрокредитлар бериш тартибига ўзгартеришлар

**Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.**

киритиши ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг 2006 йил 20 апрелдаги 10/4-сон қарори.

*2006 йил 6 майда 903-7-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 16 майдан кучга киради).*

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида низом. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаси томонидан тасдиқланган (2001 йил 26 апрель, рўйхат рақами 1029).

2. Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш кириши тўғрисида қарор. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаси томонидан тасдиқланган (2002 йил 15 апрель, рўйхат рақами 1029-1).

*Адлия вазирининг 2006 йил 6 майдаги 75-мҳ-сон буйруги билан реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

—

+